

**АМИР ТЕМУРНИНГ ДАВЛАТ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ
БОШҚАРИШДАГИ ЎРНИ ҲАМДА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ
СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-42>

**Турдибоева Мақсуда Унгаровна,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти
катта ўқитувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мақолада Амир Темурнинг давлат ва иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратганлиги, давлатнинг иқтисодий масалаларига жиддий эътибор бериши, шунингдек унинг давлатида Европадан анча илгари бюджет тушунчаси бўлганлиги, давлат хазинаси, кирим, чиқим, ҳисоб-китоб қатъий олиб борилиб, тафтиш йўлга қўйилганлиги, Шохрух ва Улуғбек подшолиги даврида иқтисодиёт яхши ривожланганлиги, жамиятда пулнинг аҳамиятини яхши тушунган ҳолда унинг кадр-қимматини ошириш учун ҳаракат қилинганлиги илмий ёритилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ғоялар, иқтисодий сиёсат, солиқ йиғиш, бож солиқлари, ер солиғи, товар-пул муносабатлари, пул ислоҳоти.

**МЕСТО АМИРА ТЕМУРА В УПРАВЛЕНИИ ГОСУДАРСТВО И
ЭКОНОМИКИ И РЕФОРМЫ ТЕМУРИДОВ
В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ**

**Турдибоева Мақсуда Унгаровна,
старший преподаватель Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства**

АННОТАЦИЯ

В статье Амир Темур создал уникальную школу управления и экономики; серьезное внимание государства к экономическим вопросам, а также тот факт, что его государство имеет долгую историю бюджетного прошлого, чем Европа; государственное казначейство, доходы, расходы, поселение и проверка; Экономика была хорошо развита во времена правления Шохруха и Улуғбека; Общество прекрасно понимает важность денег и работает над повышением их стоимости.

Ключевые слова: экономические идеи, экономическая политика, сбор налогов, таможенные пошлины, земельный налог, товарно-денежные отношения, денежная реформа.

THE PLACE OF AMIR TEMUR IN THE MANAGEMENT OF THE STATE AND THE ECONOMY AND THE REFORM OF THE TEMURIS IN ECONOMIC SPHERE

Turdiboeva Maksuda,
**Head teacher of the Tashkent Institute of
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers**

ANNOTATION

In the article Amir Temur created a unique school of government and economy; the state's serious attention to economic issues as well as the fact that its state has a long history of budgetary background than Europe; the state treasury, the income, the expenses, the settlement, and the inspection; The economy was well developed during the reign of Shohruh and Ulughbek; The society is well aware of the importance of money and has been working to increase its value.

Key words: economic ideas, economic policy, tax collection, customs duties, land tax, commodity-money relations, monetary reform.

Амир Темур марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлганидан сўнг, ўз давлати сарҳадларини кенгайтириш, давлат, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ташқи ресурсларни Мовароуннахрнинг гуллаб-яшнашига йўналтириш мақсадида жами 27 та мамлакатни 35 йил давомида адолатли бошқарган. Бўйсундирилган мамлакатларни адолат тамойили асосида бошқариш масаласи ўзига хос катта масъулиятни талаб этган. Шу сабабли Соҳибқирон бу мамлакатларни бошқариш масаласига алоҳида эътибор берган ҳолда, давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига аҳамият қаратган. “Давлат ишларини,- деб ёзган эди Амир Темур,- салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўро ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим” [1].

Дарҳақиқат, Соҳибқирон салтанатни идора қилиш тизимини яратиш орқали давлатчилик тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Бу ҳақда Француз олими Алфонс де Мартин шундай деган эди: “Европа на Искандарда, на Аттиллада ва на Московия зафарини кучган янги фотиҳ Напалеонда адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас”. Амир Темур давлатининг кучи унинг бошқарув санъати ва буюк саркарда эканлиги билан белгиланишини кўпчилик хорижий тадқиқотчилар эътироф этадилар. Жумладан, франциялик шарқшунос олим Жан Поль Ру Амир Темурнинг давлат сиёсатига баҳо берар экан, шундай деб ёзади: “Унинг сиёсати, албатта, соф ва ҳеч қачон қабиҳ бўлмаган. У ўз мақсадларини, имтиёзларини очиқ-ойдин бир ҳақиқат асосида олиб борди”[2].

Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганидек, буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдотик ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур “Қонунлар ва урф-одатларга асосланган” давлатни барпо этди. Унинг давлатчилик тарихига қўшган ҳиссаси бугунги ёшларимизда фахрланиш туйғусининг ўсишида катта

аҳамият касб этмоқда.

Амир Темур давлатининг ички сиёсати ўзига хос қатор белгиларга эга бўлган. Темур ер эгаллиги муносабатлари ривожланиб келаётган шароитда яшади. Шу сабабли у ер эгаллиги муносабатларини фаол суръатда амалга оширади. Темур ўз давлатининг айрим ерларини 4 қисмга (Мовароуннаҳрдан ташқари) бўлиб, ўз фарзандларига суюрғол улус тариқасида инъом этади. Амир Темур ўз Ватани Мовароуннаҳрни (Ўрта Осиёни) майда бўлақларга бўлмасдан, бир бутунлигини сақлаб қолади. Ўз давлатида Амир Темур иқтисодиётнинг барча соҳаларида масалан, ҳунармандчилик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, айниқса савдода муҳим ютуқларни қўлга киритган. Бунга тўғри танлаб олинган иқтисодий ғоялар ва иқтисодий сиёсат ёрдам берган.

Амир Темур (1336-1405) давлат ва иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратган бўлиб, давлат бошқарувида даргоҳ ва девонлар фаолияти муҳим аҳамият касб этган.

Соҳибқирон давлатида девони бузург (бош вазир) дан ташқари ҳар бир вилоятда “Девон” деб номланган бошқарма ҳам бўлган. У давлатнинг барча ишларини: солиқларни йиғиш ва тартибга солишни, ижтимоий бинолар - бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилган. Шунингдек, халқнинг ҳулки ва ахлоқи ҳамиша кузатиб турилган. Девон ходимлари вақти-вақти билан текшириш, тафтиш ва тергов ишларини олиб боришган. Айниқса, бозордаги тошу-тарози тўғрилиги доимо текширилиб борилган. Қаллоб ва товламачилар қатъий жазоланган, энг муҳими бу иш тўппа-тўғри бозорда, халқ олдида амалга оширилган. Савдогарларга олиб келинган мол устига 10 фоиз нарх қўйиш мумкин бўлган. Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчисига ер солиқлари, бож, ўлпон-солиқ ундириш ҳамда миршаблик юмушларини бошқариш юклатилган. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни ҳал қилган, раият аҳволини кузатган, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонларни тақсимлаган. Иккинчи вазир сипо вазири ҳисобланиб, сипоҳийларнинг маошларини бошқариб борган. Учинчи вазир эса эгасиз қолган, ўлиб кетганларга тегишли молларни, келиб-кетаётганлар, савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорвасини бошқариб, буларнинг барчасида тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот этганларнинг мол-мулки бўлса, уларни ўз меросхўрларига топширган. Тўртинчи вазир салтанат ишларини юритувчи вазир бўлиб, у салтанатдаги жами идораларнинг қирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган ҳаражат, ҳатто отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган ҳаражатлардан огоҳ бўлиб борган.

Соҳибқирон салтанат идораларининг қирим – чиқимлари ҳақида шундай деган эдилар: «Амр қилдимки, садрлар садри (садр, вақф ерлар ва вақф этилган бошқа мулкнинг ҳисоб-китобини олиб боровчи мансабдор) саййидлар ва бошқа арбобларга суюрғол тариқасида берилган ерлар ва вақфларнинг аҳволини, уларнинг вазифаларини қай даражада адо этаётганликларини текшириб, менга арз қилиб турсин... Салтанатнинг ҳар бир идорасида қирим-чиқимларни, кундалик




ҳаражатларни ёзиб бориш учун бир китоб тайинлансин» [2]. Бундан кўринадики, Амир Темур давлатнинг иқтисодий масалаларига жуда катта эътибор қаратган.

Амир Темур «Раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги эса, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Фатх этилган ерлик фуқаро азалдан бериб келинган хирож миқдоридан рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Фатх этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар», - дейди. Ўша даврда бозор аҳлидан солиқ олиш қалъа бошлиғи зиммасига юклатилган. Солиқ олиш Қуръони Карим таълимотига мувофиқ олиб борилган. Ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда аҳоли жон бошига солинган ва ҳар бир хонадондан олинадиган солиқлар қўлланилмаган. Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланилган.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Амир Темур давлатида Европадан анча илгари бюджет тушунчаси бўлган. Давлат хазинаси, кирим, чиқим, ҳисоб-китоб қатъий олиб борилган, тафтиш йўлга қўйилган. Бунинг учун маълум масъул шахслар ажратилган ва доим ҳисоб бериб борилган.

Амир Темур даврида озиқ-овқат, маош, солиқ турлари ҳам бўлган. Масалан, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва сипоҳийларга қуйидагича маош белгиланган: оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шarti билан маоши минган отининг баҳосига тенг бўлган. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайинланган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларникидан ўн баробар ортиқ бўлган. Юзбошилар маоши ўнбошиларникига қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар ортиқ бўлган. Соҳибқирон маош бериш билан бирга хато ва камчиликларга йўл қўйган фуқароларнинг маошини камайтирган. Мисол учун уруш вақтида хатога йўл қўйган сипоҳийларнинг маоши ўндан бирга камайтирилган. Шунингдек, Бош амир - амир-ул-умаронинг маоши қўл остидагилардан ўн баробар, девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирларникидан ўн баробар ортиқ бўлган. Саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, хабарчилар, тарихдонларнинг ўз ҳолларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиланган. Хизматчилар, фаррошларга юздан минг тангагача маош берилган.

Амир Темур Англия ва Фарангистон қиролларига мурожаат қилиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга эришган. Марказий Осиё орқали ўтадиган Буюк ипак йўлида карвонларнинг ҳавфсизлигини ҳам таъминлаган. Машриқдан мағрибгача бўлган савдо-сотик ишларини кучайтириб, турли равоатлар, карвонсаройлар, савдо расталари қурдирган. Бу ҳақда Амир Темурнинг ўзи қуйидаги фикрларни билдирган эди: "Атрофдан кирган-чиқан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва



хукмдорлик ҳақидаги хабарлар кўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимда юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни (хабарнавислар) ростлик, тўғрилиқ билан менга ёзиб турсинлар. Хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар”.


Юқоридаги вазифаларни бажармоқ учун ҳар бир шаҳар ва қишлоқда кутвол (қалъа бошлиғи) тайинланиб, улар сипо ва раиятга соқчилик қилганлар ва яна йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинланиб, улар йўлларни кўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб кўйганлар. Йўл устида биронта одамнинг бирор нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-қол юз берса, бунинг учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлган.

Соҳибқирон мамлакатларни фатҳ этиш билан бирга, тўпланган мол-дунёни, олинадиган бож солиқларини хайрли мақсадлар учун сарф қилган: «Тўпланган хазинадаги нақд пул ва қимматбаҳо буюмларни сипоҳларга тақсимлаб бердим. Кўшинга етарли даражада озуқа бердим», деган эди.

Маълумки, хирож ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўлланилган. Хирож айрим ҳолларда даромаднинг учдан бирини ташкил этган. Шунингдек, хирожни «мол» деб ҳам аташган.

А.Темурнинг давлат ва иқтисодиёт соҳасидаги асосий фикрлари «Темур тузуклари»да ҳам баён этилган. Чунки, бу даврда Амир Темур бошчилигида ягона туғ остида марказлашган кучли ва мустақил давлат ташкил топган эди. Шу давлатни идора этиш ва бошқариш учун Амир Темур асосий қонун-қоидалар тўплами «Тузуклар»ни яратади. «Тузуклар» ислом дини мафқурасига асосланган бўлиб, мамлакатни обод этишга хизмат қилган.

Амир Темур вафотидан кейин Шохрух ва Улуғбек (1394-1449) подшолиги (1409-1449) даврида иқтисодиёт яхши ривожланади. Айниқса кўшни мамлакатлар билан савдо-сотик муносабатлари ўсади. Бу 1428 йили Мовароуннаҳрда Улуғбек томонидан ўтказилган пул ислоҳоти билан боғлиқдир. Жамиятда пулнинг аҳамиятини яхши тушунган ҳолда унинг кадр-қимматини ошириш учун ҳаракат қилинган. Ўша даврда муомаладаги фулусий чақа пуллар энгил вазнда бўлиб, савдо ривожига тўсқинлик қилган. Улуғбек энгил вазнда зарб етилган ва муомалада юрган барча чақа пулларни ман этади. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майда мис пулларга бўлган талабини қондириш учун у бир вақтнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шохрухия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқли фулусларни зарб эттириб, муомалага киритади. Эски чақалар қисқа вақт давомида янги пулларга алмаштирилиб олинган, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилади. Фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинади. Халқ орасида «фулуси адлия», яъни адолатли чақа номи билан шуҳрат қозонган бу янги мис фулуслар мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага киради. Ички чакана савдо-пул муносабатларидаги танқисликни фулуснинг вазни ва қийматини





ошириш билан ҳал этилиши ўрта асрлар шароитида нодир ва фавқулодда воқеа бўлса-да, ҳар ҳолда Улуғбекнинг бундай ислоҳоти мамлакатда ҳунармандчилик буюмларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб беради. Бу даврда ички ва ташқи савдога катта аҳамият берилган. Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа кўпгина давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. Бу борада савдогарлар учун қулай шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мамлакат иқтисодиётининг аҳволи, айниқса, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, товар-пул муносабатлари, миллий валюта мустаҳкамлигига бевосита боғлиқ. Маълумки, пулнинг учта асосий вазифаси мавжуд: 1) қиймат ўлчови; 2) алмашув воситаси; 3) жамғарма воситаси. Агар пулнинг миқдори, унинг нуфузи мустаҳкам бўлмаса, иқтисодиёт посонгиси, мувозанати бузилади. Шуларни ҳисобга олиб, вақти-вақти билан пул ислоҳотлари ўтказиб турилади. Шунинг учун Улуғбек томонидан ўтказилган ислоҳот катта ижобий аҳамиятга эга бўлган, ҳамда ислоҳотлар товар пул муносабатлари ривожига муҳим ҳисса қўшган ва иқтисодиётнинг барқарорлигига эришилган.

Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ва унинг авлодлари томонидан ижтимоий, иқтисодий масалаларда катта ишлар амалга оширилганлиги бизга тарихий битиклардан маълум. Хусусан, Бобурнинг «Бобурнома» асарида, «Мубаййин» каби тўпламларида иқтисодиётга оид маълумотларга, шу жумладан солиқ сиёсатига катта ўрин берилган. «Закот тўғрисидаги катта китоб» да эса ўша даврдаги солиқ, унинг турлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Бу асарларни мутаола қилар эканмиз, улардан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган иқтисодий ислоҳотларни, ўзгаришларни таҳлил қилиш, қисқача хулосалар чиқариш ва амалиётда фойдаланиш учун янги фикрлар, маслаҳатлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг умумий асослари бўлмиш ишлаб чиариш, шунингдек савдо ва тижоратга оид, солиқ ва бож тўловлари билан боғлиқ бўлган қарашлари бизга асқотади. Эътироф этиш керакки, гарчи бизнинг ҳаётимизда Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш масалаларига доир алоҳида асари ёки олиб борган иқтисодий сиёсатига оид бирламчи манбалар бўлмаса ҳам, илмий билиш ва идрок этиш кучига суянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келамиз: у буюк мутафаккир, қомусий олим сифатида иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, иқтисодиётнинг жамият ва давлат ҳаётидаги белгиловчи аҳамиятини чуқур тушунган; адолатли фармонлар ва ҳукмлар чиқариб, илмий жиҳатдан асосланган иқтисодий сиёсат юргизган; бунинг оқибатида ҳукмронлик қилган даврда давлатда осойишталик, миллий тотувлик, сиёсий -ижтимоий тараққиёт қарор топган.

Рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда эса Ўзбекистонни янада барқарор ҳамда жадал суръатлар билан ривожлантириш, халқаро молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш учун янги стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ҳамда жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш, мамлакатни модернизациялашнинг муҳим устувор йўналишларига катта эътибор қаратилмоқда.



Беш йилга мўлжалланган Стратегияда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ва механизмларини жорий этиш, миллий валюта ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг илғор бозор механизмларини ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилишга оид устувор вазифалар кўзда тутилган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Темур тузуклари. –Тошкент: Гафур Гулом, 1991.–Б.32-34.
2. Jean-Paul Roux. Ibid., p.142.
3. Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар, 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 169-бет.
4. Темур тузуклари. –Тошкент: Гафур Гулом, 1991.–Б.32-34.
5. Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Тошкент : Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
6. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. –Тошкент: Фан, 1996.